# СУТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИ № 6

**2022 йил "05" Январь** **Навоий шахри.**

*"Карманасут" хусусий корхонаси Навоий шахри Спутник кургони 3*
(ташкилот номи ва манзили)
**"Таъминотчи"** деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбар **Дандибоев Нуриддин Абдихошимович** хамда иккинчи томондан
(ф.и.ш)
**"Навоий олимпиа захиралари коллежи " бундан буён**
(ташкилот номи ва манзили)
**"Истеъмолчи"** деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи рахбари Б.М.Курбонов
чоп этилган эълон буйича ва илова килинган тижорат таклифига биноан ушбу шартномани куйидагича туздилар:

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1 Ушбу шартнома бўйича **"Таъминотчи" "Истеъмолчи"** нинг буюртмасига асосан белгиланган сут махсулотларини етказиб беради.
**"Истеъмолчи"** эса сут махсулотларни белгиланган тартибда қабул қилиб олади.
1.2 **"Таъминотчи" ва " Истеъмолчи"** учун:
(сут махсулотларининг тури,ёғлилик даражаси %)

| Т\р | Сут махсулотларининг тури | Ёғлилик даражаси | Ўлчов бирлиги | Хажми (микдори) | Нархи ККС билан | Жами суммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Сут пастеризацияланган | 2,50% | литр | 1440 | 7500 | 10800000 |
| 2 | Сметана | 20,00% | литр | 45 | 20000 | 900000 |
| 3 | Катик кадокланган 0,5л | 2,50% | дона | 3060 | 3500 | 10710000 |
| 4 | Творог сертификатланган | | кг | 90 | 20000 | 1800000 |
| | | | | | | |
| **Жами:** | | | | | | **24210000** |

**Сумма: Йигирма турт миллион икки юз ун минг сум**

## II.ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

**"Таъминотчи"нинг мажбуриятлари:**
2.1.Шартноманинг **1.2** бандида кўрсатилган миқдордаги ва сифатдаги ҳар кунлик сут махсулотларини "Истеъмолчи"га кунлик юк хати билан топшириш.
2.2.Агарда шартнома шартларига мувофик деб топилса, сут махсулотларини ташиб бериш.
**"Истеъмолчи"нинг мажбуриятлари:**
2.3. Сут махсулотларини **1** соат муддатда кўздан кечириш. Сут махсулотларини мазкур шартнома талабларига мос келмаслиги аникланган такдирда, **"Истеъмолчи"** сут махсулотларини қабул қилмайди.
2.4.Сутни қабул қилганлиги тўғрисида ҳар ҳафта якуни билан **1** та ишонч қоғози билан расмийлаштириш мажбуриятларини олади.
2.5. Шартномада белгиланган тартибда сут махсулотлари хақини тўлайди.

## III.ШАРТНОМА СУММАСИ ВА ХИСОБ - КИТОБ ТАРТИБИ.

3.1.Мазкур шартнома суммаси: Йигирма турт миллион икки юз ун минг сум
(сумма сўз билан ёзилади)
ташкил этиб, сўмда хақ тўланади.
3.2. Мазкур шартнома бўйича ҳисоб - китоблар пулни кўчириш йўли билан олдиндан **30 % ини** тулаш ва махсулот кабул килинган пайтдан бошлаб ___ кун ичида колган қисмини тўлаш йўли билан амалга оширилади.
3.3. **"Таъминотчи"** нинг айби билан **"Истеъмолчи"** сут махсулотларини кўздан кечириш имкониятига эга булмаган такдирда, сут махсулотларини ҳақини тўлашни кечиктиришга хақли.

## IV.СУТ МАХСУЛОТЛАРИНИ ТОПШИРИШ ШАРТЛАРИ.

4.1. Сут махсулотларининг тасодифан нобуд бўлиши сут махсулотлари топширилган пайтдан бошлаб **"Истеъмолчи"** га ўтади.
4.2. Сут махсулотларини топширишдан бошлаб келишилган муддатга қадар **"Таъминотчи"** сифатига кафолат беради ва алмаштиришни ўз зиммасига олади.
4.3 **"Истеъмолчи"** сут маҳсулотларини қабул қилиб олишда махсулотларни бут эмаслиги, сифатсизлиги аниқланган тақдирда ушбу махсулотларни кабул килиб олмаслик хуқуқига эга.

## V.ШАРТНОМА БАЖАРИШ МУДДАТИ.

5.1.Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Навоий вилоят газначилик бошкармасидан руйхатдан утгандан сунг конуний кучга киради ва амал килиш муддати "05" Январь 2022 й дан

"31" Январь 2022 йилгача этиб белгиланади.

## VI.ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

6.1.Сут махсулотларини топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва **0.2%** микдорда жарима тўлайди:

6.2.Тўловни кечиктирилганлиги учун **"Истеъмолчи"** хар кечиктирилган кунга тўловни кечиктирилган сумманинг **0,2 %** микдорида,лекин ушбу сумманинг **50 %** дан ошмаган миқдорда тавон (пеня) тулайди.

6.3. Боқимандани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонун хужжатларига мувофик белгиланади.

## VII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ.

7.1. Ушбу шартнома юзасидан тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низо ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан хал этилади.

7.2. Музокаралар олиб бориш йўли билан низони хал этиш имконияти булмаган такдирда Узбекистон Республикасининг амалдаги конунчилиги асосида тегишли суд органларига мурожаат этилади.

## VIII. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ.

8.1 Томонларнинг хохиш - истагига мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳолларда ( Нокулай об-ҳаво шароитлари, зилзила, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар (форс-мажор) туфайли бажарилмаган ёки кисман бажарилмаган ( етказиб берилмаган ёки тулаб берилмаган)лиги, шартнома шартларини ижро этиш бузилган деб хисобланмайди ва ушбу холатда томонларни шартномани бажариш муддати келишилган муддатга кечиктирилади.

## IX.БОШКА ШАРТЛАР.

9.1.Шартнома тарафларнинг узаро келишувига мувофик ёки бир тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган такдирда иккинчи тарафнинг талаби билан бекор килиниши мумкин.

Шартномани бир тарафлама бекор килиш ёзма таклиф бериш йули билан амалга оширилади. Таклиф олингандан сунг **30** кунлик муддат ичида унга жавоб олинмаган такдирда шартнома бекор килинган хисобланади.

9.2. Тарафлар узларининг юридик манзиллари ва бошка реквизитлари узгарганлиги бир - бирларини **3** кунлик муддатда хабардор килишлари шарт.

9.3. Шартномага хар кандай узгартириш ва кушимчалар ёзма равишда бажарилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган холдагина хақиқийдир.

9.4 .Шартнома икки нусхада тузилган булиб, иккаласи хам бир хил юридик кучга эга хисобланади ва тарафларга бир нусхадан берилади.

9.5.Шартномага иловалар унинг ажралмас кисмини ташкил этади.

## ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

**"Таъминотчи"."Карманасут" Х/К**
Юридик манзилгох: Навоий ш
Спутник кургони пушкин-3
Х\р 20208000104069425001.
Банк Саноаткурилишбанк Навоий ш
Банк коди(МФО) 00207
СТИР 203306006
ХХТУТ 18221
КТУТ
Рахбар ____________ Дандибоев Н
(имзо) (Ф.И.Ш.)
М.У.

**Истеъмолчи: Навоий Олимпиа захиралари коллежи**
Навоий шахар М.Таробий 12-Даха
Х\р 100010860124017092600245001
Банк номи Марказий банк ТШББХККМ
Банк коди(МФО) 00014
СТИР: 300520190
ХХТУТ ____________
КТУТ ____________
Рахбар ____________ Б.М.Курбонов
(имзо) (Ф.И.Ш.)
М.У.

Уз Рес Молия Вазирлиги Газначилиги
газна хр 23402000300100001010
В Марказий банк ТШББХККМ
МФО- 00014 ИНН: 201122919

Юрист : ____________

М.У.